

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯЛАНИШНИНГ АЙРИМ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК УСУЛЛАРИ

*O.F.Давлатов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Педагогика ва психология” кафедраси доцент вазифасини бажарувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

## Аннотация

Ушбу мақолада – ўқувчи-ёшларда учраб турадиган психологик муаммолар ҳамда педагоглардан талаб этиладиган педагогик-психологик вазифалар бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калим сўзлар ва тушунчалар:** шахс, миллий ғурур, ахборот, ахборот хуружи, психологик ҳимоя механизм, интернет.

В этой статье дается обзор психологических проблем, с которыми сталкиваются студенты, а также педагогических и психологических задач, которые требуются учителям.

**Ключевые слова и понятия:** личность, национальная гордость, информация, информационная атака, механизм психологической защиты, интернет.

This article gives an overview of the psychological problems students face, as well as the pedagogical and psychological tasks that teachers need.

**Key words and concepts:** personality, national pride, information, information attack, psychological defense mechanism, Internet.

Сўнгги йилларда мамлакатда психология соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда амалиётчи психологлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2 503 нафар, халқ таълими тизимида 14 272 нафар педагог-психолог кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Олиб борилаётган ишлар қўламига қарамасдан соҳада зудлик билан бартараф этилиши талаб этиладиган қатор муаммолар сақланиб қолмоқда(1).

Дарҳақиқат, очик ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқищдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқида кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нимадандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳисларини намоён бўлишидир. Чунки агар, психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мўтадилликни асраш учун ўзидағи хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади.

Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қиласи. Шундай

ҳолатларда инсон одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Бундан кўринадики, инсон психологияк ҳимоя механизмларига эҳтиёж сезади. Психологлар ҳимоя механизмларига одатда қуидагиларни киритадилар:

- очик ҳиссий-кечинмаларни босиш, кўтармасликка уриниш;
- рад этиш – номақбул маълумотни очик рад этиш, қўшилмаслик;
- проекция – ўзидағи ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи обьектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- идентификация – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- регрессия – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигига бўлиб ўтган қайсиadir воқеаларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;
- ёлгизланиш – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидағи ўзгаришларни бошқаларга билдирилмасликка интилиш, айrim ёшлар ўқишига бормай қўядилар;
- рационализация – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- конверсия – мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки баръерларни олиб ташлаш учун қутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информациини юмор билан алмаштириш йўли [2].

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида ёшларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилишини бошқаришда қуидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, ҳар бир ўқувчи учун мустақил фикр зарурлигини таъкидладик. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига этиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин. М.Қуронов таъбири билан айтганда, мустақил фикрга мустақил (эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида) – ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган каби маъноларидан келиб чиқиб қарашимиз лозим. Бунда ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз, ўзича фикр юритиш, яшаш тушунилади. Ёшлар шунга қодирми? Уни шунга ўргатяпмизми? [3].

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғуурурни тинмай тарбиялашимиз ва бунда умумтаълим фанлари ҳамда тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, мустақиллик йилларида қўлга киритилган қатор ютуқлар: боболаримизнинг муборок номлари, миллатимизнинг азалий шарафи тикланди; дунё ўзбек халқининг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини тан олди; Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деган юксак шарафга сазовор бўлди. Буларнинг барча-барчаси ёшлар учун буюк ибрат вазифасини бажаради ва уларни очик фикр алмашинувига чорлаш

орқали миллий ғуурни уйғотади. “Янги замоннинг янги тушунчалари” таҳлилига эътибор қаратар экан,

М.Қурунов миллий ғуур тушунчасининг моҳиятини куйидаги тарзда содда ва тушунарли ёритиб берган: “Миллий ғуур – ўқувчининг ёшига мос равишда ўз халқининг қадр-құмматини билиши, иззатлаши; унинг маданияти, маънавияти, иқтисодиётида құлға киритган ютуқлари, хизматлари, бой меросини билиши ва ана шу юксак миллий маданий ютуқларга мос бўлишга, уларни бойитишга интилишини ўз ичига олади. Бироқ, миллий ғуур стихияли ривожланиб, ўз-ўзига танқидий қарашдан ажратилса, унда ўз миллатини бошқалардан устун қўйиш, миллий манманчилик каби салбий натижалар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам миллий ғуурни маҳсус, яъни яратувчан мақсадларга қаратиб, танқидийликни камтарлик билан уйғунлаштирган ҳолда шакллантириш керак” [4]. Миллий ғуурнинг аҳамияти ҳам ана шунда, бундай фазилатга эга ёшлар нотўғри ғояларга, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғуури бор инсонда иймон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва очик ахборотлар оламида адаштиrmайдиган “компас” ролини ўйнайди. “Интернет шундай ўрмонки, унда компассиз юриб бўлмайди”. Интернетда уюм-уюм ахборот “ахлатлари” борлигини эътироф этиш зарур. Гарчи Интернет ахлоқий жиҳатдан бетараф восита саналса-да, ундан шу вақтга қадар тўпланган маданий меросни сақлаш мақсадида ҳам, унга путур етказиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тўртинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан айтиладиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи томонидан қуйидаги фикр мунтазам такрорлаб турилиши зарур: “Ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак”. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъ-ҳаракатларининг оқибатлари нима билан тугашини ҳар бир дарснинг ташкилий қисмida эсга солиб туриш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг педагогик-психологик йўлларини ҳар бир ўқитувчига етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади;

бундай шароитларда “учинчи шахс таъсири” рўй беради. Унинг маъноси – “бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди”, деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирига тушиб қолган бўлади. Айтилган фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши ҳаёлидан ўтказади;

ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган маҳсулотларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай “Интернетга” уланиш, уйида замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам. Бу маънода ёшлар энг ҳимояланмаганлар тоифасига киради;

хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдиrmайди. Яъни агар биз очиқчасига талаба-ёшларга “бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда” десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин “огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазали бўлади” деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддати ҳам роль ўйнайди. Масалан, тадқиқотларда бир хафта аввал огоҳлантиришнинг таъсири узокроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган ёки уйда ҳоли, қулай шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ёмон хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни кучлироқ намойиш этиши кузатилган. Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантиришларга қарши аргументлар ишлаб чиқиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради;

таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни ортиқчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималариdir қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, ўқитувчи очиқ тарзда ўз норозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиши мумкин. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири – очиқ ахборот манбалардан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни тан олишдир. Масалан, дарҳақиқат, мактаб дарсликларининг айримларини сифати талаб даражасида эмаслигини, маҳаллалардаги баъзи фуқароларда ижтимоий бефарқлиknинг мавжуд эканлиги ва аниқ далиллар билан камчиликларни бартараф этилиши йўллари хусусида ўз фикрини айтиш.

Бундан ташқари, ўқитувчига хос бўлган усууллардан бири – ўз қарашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлигини очиқ тан олиш:

“Балки мен ноҳақдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди...”, деб “тарафдор” ва “қарши” асосларни келтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида таҳлил қилинган ҳамда келтирилган фикр-мулоҳазалар барчаси айрим ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳисобланади. Айни пайтда қайд этишимиз лозимки, улар энг муҳим омиллар ҳам бўлмаслиги мумкин. Гап масаланинг қўйилиши, шундай муаммонинг мавжудлиги ва у муайян даражада миллий ривожланишимизга ҳалақит қилаётгани хусусида кетмоқда. Албатта, кенг жамоатчилик бундан баҳобар. Агар барчамиз ҳамжиҳатлиқда мавжуд муаммони ҳал этишга бел боғласак, унинг уддасидан чиқамиз.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” 07.06.2019 йилдаги. N 472-сонли қарори.
2. Малкина-Пых И.Г. Техники козитивной терапии и НЛЛ. – М.: «Эксмо», 2004. – С.21-24.
3. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз (ота-оналар учун). – Т.: «Маънавият», 2013. – Б.120.
4. Қуронов М. Болам, баҳтли бўлсин десангиз... (Ота-оналар учун). – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.153.